

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 97-ҳадис

97 - وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرِو بْنِ الْعَاصِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّهُ سَمِعَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «إِذَا سَمِعْتُمُ النَّدَاءَ فَقُولُوا مِثْلَ مَا يَقُولُ، ثُمَّ صَلُّوا عَلَيَّ، فَإِنَّهُ مَنْ صَلَّى عَلَيَّ صَلَّةً صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ إِلَيْهَا عَشْرًا، ثُمَّ سَلُّوا اللَّهَ لِي الْوَسِيلَةَ، فَإِنَّهَا مَنْزَلَةٌ فِي الْجَنَّةِ لَا تَتَبَغِي إِلَّا لِعَبْدٍ مِنْ عِبَادِ اللَّهِ وَأَرْجُو أَنْ أَكُونَ أَنَا هُوَ، فَمَنْ سَأَلَ لِي الْوَسِيلَةَ حَلَّتْ لَهُ الشَّفَاعَةُ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс розияллоҳу анҳұмодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни:

«**Қачон муаззиннинг аzon айтаётганини эшитсанглар, у айтганидек айтинглар. Сўнгра менга саловот йўлланглар. Ким менга битта саловот айтса, Аллоҳ унга ўнта саловот айтади. Кейин менга Аллоҳдан василани сўранглар. У жаннатдаги бир макондир. У макон Аллоҳнинг бандаларидан биттасига насиб этади. Ўша банда мен бўлишимга умид қиласман. Ким менга васила сўраса, унга шафоатим насиб этади», деганларини эшитдим.**

Ином Муслим ривоятлари.

Шарҳ: Намозни эълон қилиш аzon айтиш орқали амалга оширилади. Аzon қалбни шод этиб, нафс унинг сўзларига мойил бўлиб, Роббиси ҳузурида турганидан қалблар ўзини баҳтиёр ҳис қиласми. Такбир, шаҳодат ва таҳлил калималарни ўзида мужассам қилган аzon садоси янграганида, унга қалбдан қулоқ тутиш лозим. Балки, мусулмон киши муаззин айтган нарсаларни унга жўр бўлиб қайтариб туради. Аzon калималари қалбидан жой олгач қалбига ибодат ва муҳаббатга мойиллик туйғуси шаклланади. Аzon айтиб бўлингач Роббимиз буюрганидек Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтилади. Бандани Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга айтган битта салавотига Аллоҳ ўнта салавот билан мукофотлашини Пайғамбаримиз баён қилганлар. Кейин Аллоҳдан василани сўрайди. Васила жаннатдаги бир даража бўлиб, Пайғамбар уни ўзлари учун бўлишини умид қилганлар. Ким Пайғамбар алайҳиссаломга у зот севган ва умид қилган нарсаларини сўраса, у киши учун Пайғамбар

алайҳиссаломнинг шафоатлари насиб қилади. Ундан ташқари Қиёмат куни у нарса раҳмат ва гуноҳларига мағфират бўлади.

Ҳадисдан ўргангандаримиз

1. Мусулмон киши аzonни эшитганида қайтариб туради ва Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламни тақдирлаган ҳолда салавот айтади.
2. Пайғамбар алайҳиссаломга нисбатан салавот айтилса, унинг муқобилида Аллоҳнинг салавотига ноил бўлади.
3. Аzonни қайтариб туриш билан мусулмон киши Пайғамбар алайҳиссаломнинг шафоатларини кўлга киритади.
4. Мусулмон киши Пайғамбар алайҳиссаломга нисбатан айтиладиган салавотни қадрлайди.

Манба: hadis.islom.uz

